

---

## МАРҒИЛОН ШАҲРИДАГИ БАРЧА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БОШЛАНДИ

Марғилон шаҳридаги мавжуд 64 та сайлов участкаларида соат 8:00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Шундан сўнг сайловчилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига белгиланган тартиб асосида ўзлари муносиб деб билган номзодига овоз беришни бошладилар.

Жумладан "Пичоқчи" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Тадбиркорлар уйи"да жойлашган 241-сайлов участкасида муҳим сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик кўрилган.

Сайловчилар ва участка аъзолари учун қулай шарт-шароитлар мавжуд.

Овоз бериш жараёнида марғилонликлар фаол иштирок этишмоқда.

2023-07-09 14:05:56